



Шекспир сонетларида метафораларнинг ўрни

Усмонжоновна Мухлиса,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университети хорижий тил ва адабиёти факультети 1-босқич талабаси

ABSTRACT

Ушбу мақолада Вильям Шекспир сонетларнинг лингвопоэтик хусусиятлари таҳлил қилинди, таржимон маҳорати, асарда қайта яратилган кўчимлар, вақтни англатувчи метафоралар ўрганилади. Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳозирги кунда ёшларда жаҳон адабиётига бўлган қизиқишини шакллантиради.

ARTICLE INFO

Received: 1st January 2023

Revised: 1st February 2023

Accepted: 6th March 2023

KEY WORDS :

Сонет, метафора, банд, мисра, қофия, маъно, кўчим, катрен, тарсет, шеърӣй шакл, ифода, бадиий образ, лирик қаҳрамон, поэтик шакл

Abstract. This article analyzes the linguopoetic features of William Shakespeare's sonnets, the skills of the translator, the movements created in the play, the metaphors of time.

Key words. Sonnet, metaphor, band, verse, rhyme, meaning, movement, quatrain, tarset, poetic form, expression, artistic image, lyrical hero, poetic form.

Кириш. Жаҳон адабиётининг энг машҳур намояндаларидан бири – асарлари бир неча мароталаб ўзбек тилига ўғирилган буюк сўз санъаткори Вильям Шекспирдир. Вильям Шекспир асарлари дунёнинг жуда кўп тилларига таржима қилинган. Унинг асарлари 400 йил олдин ёзилганига қарамай, ҳаётӣйлиги, умуминсоний қадриятлар тараннум этилганлиги, инсониятни ҳамон қийнаб келаётган хиёнат, разиллик, иккиюзламачилик, виждонсизлик, адолатсизлик каби иллатларнинг фош этилиши каби мотивлар буюк шоирнинг шеърӣяти ҳамиша барҳаёт.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбек таржимашунослиги ва адабиётшунослигида Шекспир ижодини ўзбекча талқини борасида бир қатор тадқиқотлар яратилган. Бу борада, аввало, профессорлар Ғ.Саломовнинг “Адабий анъана ва бадиий таржима”, “Таржима ташвишлари”, монографиялари, Ғ.Сулаймоновнинг “Шекспир Ўзбекистонда” монографияси яратилган. Ўзбекистонда Шекспир ижодидан таржима қилишга Чўлпон, Ғафур Ғулом, Мақсуд Шайхзода, Уйғун, Комил Яшин, Ҳамид Ғулом, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, Юсуф Шомансур, Жамол Камол каби забардаст шоирларимиз қўл урдилар. Бугунги кунда Шекспир асарларини ўрганиш, бу асарларнинг ғоявий-бадиий, лисоний хусусиятларини тадқиқ этиш борасида адабиётшунослик, қиёсий адабиётшунослик, таржимашунослик, тилшунослик соҳаларида докторлик диссертациялари, магистрлик диссертациялари ва битирув малакавий ишлари бажарилмоқда.

Шекспир асарларини таржима қилиш ва нашр этиш борасида юртимизда кўплаб ишлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Жумладан, 1981-1985 йилларда Шекспир “Танланган асарлар”и беш жилдлигининг кўп нусхада чоп этилиши республикамиз маданий ҳаётида катта воқеа бўлган эди. Бу нашрнинг юзага келишида академик Воҳид Зоҳидов ва шоир-таржимон Жамол Камол фидойилик қилгандилар. Мустақиллик йилларида Шекспир асарларининг бевосита аслиятга таржима қилинган энг етук ўн икки асари уч жилдлик “Сайланма” сифатида нашр этилди. [1]

Тадқиқот метадологияси. Ушбу мақолада В.Шекспирнинг сонетларида вақтни англатувчи метафораларнинг лингвопоэтик хусусиятларини чуқурроқ таҳлил қилиш асосий мақсад қилиб белгиланган

Таҳлиллар ва натижалар. Сонет жанри қондасига биноан, унда фақат бир сюжет ифодаланган бўлиши зарур. Дастлабки мисрадаёқ мазмун баён қилиниб, кейинги мисраларда у ривожлантирилади, образлар талқини контраст ҳолатлар ва ишқий кечинмалар меъёрига етказиб таърифланади. Сўнгги икки мисрада эса воқеликнинг ечими қарор топади. Сонет муаллиф томонидан муайян бир шахсга: махбуба ёки дўстга йўлланган бўлиб, ўзида ишқий ёки ахлоқий мазмун касб этувчи яхлит кўринишдаги асардир.

“Банд қурилиши ўзига хос мураккаб шеър шаклларида бири сонет бўлиб, бу шеър ўрта асрларда Италияда яратила бошланган, ғарб мумтоз поэзиясида етакчи жанрлар даражасигача кўтарилган” [2] Жанр таваллуди Италияда экан, унинг номи ҳам италянчадан олинган. Яъни, sonet провансча sonet – кўшиқ маъносини англатади.

Энди яна бир манбага мурожаат этсак, шаклидаги ўзига хослигини тушуниб етамиз: “Сонет... – 14 мисрадан иборат турғун шеърий шакл. Сонет қатъий қонун-қоидалар асосида яратилади. У 4 банддан иборат бўлиб, 1- ва 2 бандлар 4 мисрадан (катрен), 3- ва 4-бандлар 3 мисрадан (тарцет) ташкил топади. Катренлар, кўпинча, а-b а-b ёки а-b b-a шаклида қофияланган бўлади. Энг муҳими – қофиялар тўла ва жарангдор бўлиши лозим. Сонет фақат шаклан эмас, мазмунан ҳам шундай талабларга жавоб бериши керак. Масалан, унинг 1-бандида асосий фикр айтилади, 2-бандида бу фикр ривожланади, 3-бандида ечим, 4-бандида эса хотима ифодаланади”[3]

Бизга маълумки, жамиятдаги тараққиёт адабиётида ҳам ўз аксини топади. Фақат топибгина қолмасдан, у билан бирга юксалишга юзланади. Яна бир жиҳати борки, адабиётдаги янгилашни, ривожланиш, илғорланиш жараёни жамиятдаги мудроқлик ўрнини уйғониш эгаллашига кучли таъсирини ўтказиши ҳам ҳақиқатдир. Жумладан, Европа уйғониш ҳаракатининг илк ватани Италия бўлса, бу борада Италия адабиётининг буюк ижодкорлари асарлари катта аҳамият касб этган. “Ренессанснинг алоҳида белгилари Данте ижодида намоён бўлса ҳам, лекин уйғониш даври тўла маъ Италиян Уйғониш адабиётининг иккинчи йирик вакили Франческо Петрарка (1304-1374) ижодида ҳам сонет жанридаги шеърлари салмоқли ўрин тутди. Ҳар икки қалам соҳибининг сонетлари ҳақида адабиётшунос Ортик Қаюмов қуйидаги таҳлилий хулосани айтади: “Петрарка поэтик шаклга ҳам эътибор билан қараб, унга мустақил маъно берди ва у шеърларининг бежирим, нафис бўлишига эришди. Данте эса шаклни фикр этиш воситаси деб билар эди. Петрарка Европа поэзиясини янги бадиий образлар, янги иборалар билан бойитади, айниқса, сонет жанрини яна ҳам такомиллаштиради. Фақат севги лирикасигина эмас, балки асарлар тўпламига кирган жанговарлик руҳи билан суғорилган сиёсий шеърлари ҳам мамлакат бирлигини юзага келтириш учун кураш олиб борган ватанпарварлар қўлида ғоявий қурол бўлиб хизмат қилди”

нода XIV иккинчи чорагида бошланади ва XVII асргача давом этади”.[4]

Бугун ҳақли равишда Шекспирнинг буюк даҳоси асрлар оша дунё кезиб, чинакам жаҳонгашталик мақомига кўтарилган, десак асло янглишмаймиз. Бошқача айтсак, Навоийсиз дунё маънавияти ва маданияти кемтик бўлса, Шекспирсиз ҳам худди шундай ҳолатга тушади, албатта. Ҳозирги замонда Навоий ва Шекспирнинг дурдона асарларини ўқимаган, билмаган халқ деярли йўқ ҳисоби. Филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққулнинг қуйидаги баҳоси айтиш ҳақиқатнинг ўзидир: “Жаҳонда қанча халқ ва элат яшаса, Шекспир айтарли ҳаммасининг меҳр-муҳаббатини қозонган. Дунёда бирор-бир

миллий тил бўлмаса керакки, Шекспир қаҳрамонлари унда гапирмаган бўлсин... Шекспир даҳоси – бу энг олий маданият тарозуси”.[5]

Шекспирнинг “Сонетлар” (Sonnets) китобини илк бор 1609 йили ношир Томас Торп чоп эттирган. Шоир замондоши, адабиётшунос Франсиз Мерезнинг таъкидлашича, аслида Шекспир ўз сонетларини 1592-1598 йиллар орасида ёзиб тугатган. Бу тўпламга шоирнинг 154 та сонети жамланган бўлиб, асрлар мазмунидаги фалсафий теранлик, лиризм устуворлиги, кўтаринки кайфият ва мусикавийлик ўқиувчини ўзига ром этади. Лирик қаҳрамон яъни шоир ўзининг алпжусса, хушсурат дўсти жаноб WH га садоқатини ва қорасоч, буғдойрангюз хоним (the dark Lady)га муҳаббатини ошқора баён айлайди. Шу ўринда метафора, яъни терминнинг ўзини теран тушуниб олишимиз керак. Метафоранинг тушунарли – ўзбекона талқини кўчимга тўғри келади. “Адабиётшунослик луғати”да[6] баён этилганидек: сўзнинг одатий маъносидан ўзга маънода қўлланиши, муайян бадиий-эстетик мақсадни кўзлаган ҳолда воқеа бўлувчи семантик сатҳдаги нормадан оғиш. Маъно кўчиришнинг асосига таянган ҳолда кўчимнинг метафора, метонимия, снecдoхa, киноя, перифраза, аллeгopия (мажoз) pамз (символ) сингари бир қатор кўринишлари бор. Биз эса метафора тури нуктаи назаридан Шекспир сонетларини таҳлилга тортамыз. Демак, аввало метафора ўзи нима? – деган саволга ойдинлик киритиб олишимиз мақсадга мувофиқ.

Сўзни қадимдан бошласак, юнон файласуфи Арасту (Аристотель) бунга илк бор таъриф берган: “Метафора – сўз маъносини ўзгартирган ҳолда турдан хилга ёки хилдан турга, хилдан хилга ёки аналогияларга асосан кўчиришдир.”[7] Агар бунга эътибор берсак, файласуф метафорани ҳозир биз тушунадиган маънодан кенгроқ тасаввур қилганини англаб етамиз.

Арасту метафоранинг поэзиядаги ўрни ва аҳамияти ҳақида алоҳида тўхталмаган. Шунга қарамай, унинг поэзия тили тўғрисидаги мулоҳазаларидан буни билиб олиш қийинмас. Уқтиришича, агар умумистеъмолдаги поэзия тилининг аниқлигини таъминласа, “глоссалар, метафоралар, безаклар... олижаноб ва улуғвор этади” [8]

. Энди бирма-бир метафора қўллаши асносида сонетга шарҳ берсак.

Эй ёқимтой бола, чиқ-чиқлаб фақат,

Вақтимизни санок этгувчи соат.

Биринчи сатрдаги “ёқимтой бола” – метафорик сифатлаш – эпитетдир. Шоир ўзгача ўхшатиш билан, жонсиз буюмга жонлидай атамани қўллаб мурожаат этипти. Уни яқин олиб, кўнглидан кечган фикрни аста баён қиляпти. Табиат қандайлигидан огоҳляпти. Янаям аниқроғи вақт – замон янгини эскиртиришга қодирлигини малол келмайдиган тарзда изоҳляпти:

Табиат – бузувчи она ҳар тугул,

Йўлингни орқага суради нукул.

Аслида ҳам шундай. Соат ҳар куни йўлини аввалидан бошлашга маҳкум. Табиий ҳолдан четга чиқиш мумкин эмас. Шоир бундан юзага келадиган фожиани янада ёрқинроқ кўрсатиш учун ўзи савол бериб, ўзи жавоб қайтаради.

У сени авайлаб, асрайди нечун?

Лаҳзаларни туғиб, ўлдирмоқ учун.

Сатрдан сатрга ўтилгани сайин метафоранинг бир кўриниши – жонсиз нарса ёки ҳодисаларга инсон, умуман жонли мавжудотларга хос сифатлар бериб борилганини англаймиз. Аввало, соатнинг ўзи жонсиз буюм. Шеърда эса аксинча жонлидек унга мурожаат этиляпти. “Туғиб, ўлдирмоқ” жонли мавжудотга хос ҳодиса. Вақтнинг чақалоғи лаҳза. Аммо лаҳзанинг умри қисқа, боисини шоир табиатнинг бешафқатлиги, деб ҳисоблайди. “Вақтимизни санок этгувчи”га (бу ибора ҳам метафорик усулда берилган) уқтиргилардан биз катта маъноларни туямиз.

Ва лекин сен унга ҳазир бўл, соат,

У сени аяйди етгунча муддат.

Муддатинг етаркан, аямайди, бас.

Сени ҳам йўқликка сураш шу нафас...[9]

Агар зийраклик билан ўқисак, шу тўрт сатрда бир неча метафорик сўз ва иборани фаҳмлашимиз мумкин. Соатга жонли сифатида қаралгани туфайли унга жонзотларга монанд ҳолатларда жонзотларга

хос ҳаракатлар қилиши кераклигини огоҳлайди. Яъни “ҳазир бўл” – эҳтиёткор ёки ҳушёр бўл дейди. Чунки табиат ҳам шафқатли (аяйди), ҳам бешафқат (аямайди) аслида. Унинг ўзи яратиб, ўзи йўқ қилиш қудратига эгалиги назарда тутилади. Ана шу туғилмоқдан ўлмоқча ораликдаги вақт бу - умр. Шоир умрни метафорона қўллаб “муддат” деб талқин қилган.

Сонетнинг фалсафийлигини таъминлашда метафораларнинг ўрни бекиёс. Чунончи, муддати етгач, “Вақтимизни санок этгувчи соат” бешафқатлик қурбонига айланиши – “йўқликка” сурилишини айтиш билан кифояланмайди шоир. “Сени ҳам” деган икки сўзни сатр бошида қўллаб, табиатнинг жонсизларга ҳам, жонлиларга ҳам қонуний ҳукмидан дараклайди бизларни. Бу тушқунлик эмас. Аксинча ҳаётсеварлик ҳулосасидир. Азалий фалсафанинг абадий ғояси мужассам: эй мулоийм бола, (соат), сен вақтимизни (умримизни) саногини чиқарганинг билан табиат ўзининг йўлингни (босган қадамингни) орқага суради, асраб-авайлагани билан охири муддатинг (умринг) поёнига етганда бутунлай йўқликка суради. Сени ҳам, мени ҳам аяб ўтирмайди. Демак, умр ғанимат, ҳар лаҳза ғанимат. Яшаш керак, яшаганда ҳам кейин афсус-надомат чекмайдиган бўлиб, тириклик неъматининг, мавжудликнинг қадр-қимматига етиб яшаш зарур бу ёруғ оламда деган огоҳлик қўнғироғи қулоғимиз остида садо бергандек бўлади.

Ҳулосалар. Вильям Шекспирнинг аксарият сонетларида Вақт, Умр, Яшаш ва Ўлим образлари атрофидаги фикрлар ифодаланади. Вақтнинг сўнгги йўғу, умрга айлангани, умрига зомин бўлишидек аччиқ ҳақиқатлар алами, изтироби шеърларига кўчган. Яшаш нақадар завқли-ю, охир-оқибат сўнгги бекатида ўлимга юзма-юзлик қисматига исён бор унинг шеърларида. Тўғри, бундай ҳолатлар сонетдан сонетга кўчиб юради, аммо ҳар бирида янгича жаранг беради, ақл ва кўнгилга янги фикр, янги туйғуларни ошно қилаверади. Энг таъсирлиси, бадий либоси ранго-ранг. Сўзлари гўёки товланади. Кўзингизни эмас, ақлу шуурингизни, кўнглингизни камаштириб юборгудай. Умуминсоний туйғулар тизимланган ҳар бир сонет бизга шарқона ғазалдек яқин ва тушунарли бўлишини ўзиёқ Шекспир бадий маҳоратининг оҳанграбоси борлигидан далолат.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Адабиётшуносликка кириш. Тошкент. “Ўқитувчи”. 1979 й.
2. Дилмурод Қуроноф. Адабиётшунослик луғати. Тошкент. Академнашр. 2013.
3. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. (Озод Шарафиддинов таржималари).Т.: “Маънавият”. 2010. 390 б.
4. Жўрақулов Узоқ. Назарий поэтика масалалари. Муаллиф. Жанр,Хронотоп. Илмий-назарий тадқиқотлар, адабий-танқидий мақолалар. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015.-356 б.
5. Наим Каримов. Шекспир. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.10-жилд. Тошкент. 2005.
6. Обиджон Каримов. Абдулла Орипов шеърларида метафорик образлар. Тошкент. Академнашр. 2014.
7. Озод Шарафиддинов. Ижодни англаш бахти. Тошкент. Шарқ. 2004.
8. Сулаймонова Ф. Шекспир Ўзбекистонда. – Тошкент. Фан.1978.
9. Шекспир Вильям. Сайланма. Биринчи жилд. – Тошкент. Фан, 2007.